

Учувчи бошқарёга «Салют» илмий станциясини парвози паром эмигида

БУ САҲИФАДА

● ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ
БАЙРОҚДОРЛАРИ
● СССРНИНГ ЯНГИ ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК

● МАШИНАЛАР „ДОКТОРИ“
ТАШАББУСИ МАЎҚУЛЛАНМОҚДА

УСТОЗ

Нуриддин ака барвақт йўлга тушди. Олти шунча. Хар кун ишга вақтлик боради. Смена бошлангичдан ўнбеш-йигирма минут илгари меҳнат постида бўлади. Дарҳол жомакорини эгига илди-да машиналар орада кетди. Тихирлик қилганларини сиқиб қўйдан кечиради. Кеча тикувчи қўлини ушлаган қисмларини обдон текширади. Чеварлар иш бошлагунча ҳамма тикув машиналарини узоқ «пойга»га тайёрлаб қўйди. Уста бугун цех оstonасига одим ташлар экан, четдаги тикув машинасида турган қизил байроқчага кўзи тушди. Бу машина бузилиб қолганлигини билдиради. Тўғри ўша ёққа бурилди. Машина устидаги бир парча қозоғда дастохнинг моқиси иппи қисиб қолаётганлиги аниқланди. Бу Холхоннинг машинаси эди. Уста моқисни олди қўли. У ёниб кетган экан. Ўзинга янгисини ўрнатди. Холхон ўз машинасининг равоиш ишлаётганлигини беҳад қувониб, устага миннатдорчилик билдиради экан.

— Раҳмат Нуриддин ака! Қўлингиз ҳеч дард қўрмасин! — деди.

— Марҳамат, марҳамат қизим. Барангали ишласан бўлган. Сизлар қанчалик самарали меҳнат қилсанлар, мен шунча қувониб қўйибман. Шу менга қийин, қизим, — уста эркалаб Холхоннинг елкасига қўриб қўйди.

Нуриддин ака шу кун тиним билмади. Аксинча олганч қўли у машина. Ҳали бу машина тикхон қўйибди. Лекин уста ҳам бундан тўзатмасди. Қўлини участкаларга ҳам ердан бериб турди. Бўш бўлса, ўз участкасида юмуш бўлмаса ҳаммаси-ларига ердан беришдан қочмайди. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» шiori унинг калбига чуқур сингир кетган. Қўлидан келса ердани аямайди, бажонидил қўмақлашди. Ўзининг ҳузу-халоватини шунда деб билди. Меҳнат завоқ-шавқини шунда деб билди.

Бузилган, тўхтаб қолган тикув машиналарини тузатиб ишга тушириб юборганида, чеварларнинг миннатдорчилиги тўла сўзларини эшитганида Нуриддин ака ўзида йўқ курсанда бўлади. Шу касбин ағаллаб янгилимаганидан, тўғри иш қилганлигидан беҳад қувонди, боши омонга етди. Шундай вақтларда чамаси эллика яқин баҳорини кўрган, аммо ҳали ҳам ғайрати ёшларикидек жўш уриб турган Нуриддин ака Тошмуҳамедов кўпинча ўзининг меҳнат қўлини ҳаёлидан бирма-бир ўтказиб...

лавомида жуда кўп тикув машиналарини қайта тиклади. Агрегатлар тез-тез алмашмоқда, замонавий фан ва техника ютуқлари асосида яратилган дастохлар тобора кенг жорий қилинмоқда. Сўнгги йилларда цехлардаги машиналар паркиннинг аксарият қисми янгиланди. Бундан бир неча йил муқаддам 22 классли машиналар фойдаланилган бўлса ҳозир 251 классли тикув агрегатлари ишлатилмоқда. Сўнгилари тез ҳаракат қилади, чокни пухта олади. Аммо анча мураккаб юзлаб хил турли-туман қисмлари бор, уларнинг ҳаммасини билишнинг ўзи бўлмайди, бу анча мураккаб вазифа. Донгдор механик эса тинмай ишлаётганлиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли барча марказдаги агрегатларнинг «касали»ни ҳеч қийнамай тузатибди.

Нуриддин ака механиклик қилаётган тўққизинчи цех коллектив меҳнат ютуқлари чокни эмас. Давлат планлари ол сайини муваффақиятли бақарилмоқда, қўшнча қўлаб маҳсулот тайёрланмоқда. Коллектив иппининг сифат кўрсаткичлари янада яхши. Бу цех чеварлари қўлидан чиқаётган палытолар харидорларга манзур бўлмоқда, ўзининг бекирилмиги, кўрам-лиги туфайли магазинларда ётиб қолмапти. Цехда тикилаётган еттига моделдаги палытога «Сифат белгиси» берилган. Бунда устанинг ҳам муносиб хиссаси бор. Чунки, у барча тикув машиналарининг нуқсонсиз ишлашини таъминламоқда.

Шу кунларда цех ишчи-хизматчилари беш йилликнинг биринчи йили планини муддатдан илгари — 27 декабрда бақариш учун курашмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилади—тикилаётган палытолар сифатини ошириш, таннархини ариштириш ва меҳнат унумдорлигини кўтариш юзасидан жуда кўп тадбирлари жорий қилинмапти. Бу хайрли ишда моҳир — механик ҳам фаол қатнашмоқда. Ўзининг бутун билими ва бой тажрибасини шу мақсадга сарфлапти.

М. МАХМУДОВ.

Тошкент ГРЭСининг ишчан ва тадбиркор коллектив тўққизинчи беш йилликнинг тўғич йилида меҳнатда муносиб зафарларини қўлга киритмоқда. Коллектив аъзолари ГРЭС инженерлардан З. Шмакова ва Хўжамировларнинг номларини ҳурмат билан тилга олишди. Бу серғайрат ходимлар ўзларининг самарали меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Суратда: З. Шмакова ва Хўжамиров пулт бошқармасида навбатчилик қилишмоқда.

А. Тўраев фотоси.

РЕПОРТАЖ

ЯНГИЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Вақт чошгоҳдан ошиб қолганда биз тушган автобус шаҳарнинг йирик корхоналаридан бири — Ўзбекистон қийин эрувчи ва ўтга чидамил металл комбинати ёнида тўхтади.

Кун иссиқ бўлганидан ҳатто комбинат рўпарасидаги маданий Саройига тутаниб кетган сўлим ҳиббонда ҳам бирон қимса кўринмайди.

Тасодифи қарангки, комбинат оstonасини ҳатлаб ўтишмиз ҳаммо эски қадрдон Пулат Мақсудов билан рўпара келиб қолдик. Корхона директори ўринбосари билан ҳол-аҳвол сурашган, биргаликда цехларни, лаборатория ҳамда конструкторлик бюросларини айландик. Ҳамроҳимизнинг кайфияти жойида, чехрасидан табассум аримайди. Учинчи қаватга кўтарилар эканмиз, қўйинга қўл соддим Пулатнинг.

— Ҳарқалай, ишмиз чакки эмас, — деди директор ўринбосари, — биринчи квартал плани ҳам, май ойи тошпиринг ҳам муддатдан олдин бажарилибди. Партия ва ҳалқ олдида берган ваданинг устидан чиқилганда кўнглинг ҳам тоғдек кўтарилар экан, чарчогини ҳам унитар экансан.

Пулат Мақсудов шундай деганда ўнг қўлидаги эшиклардан бири олдида тўхтади. Ичкарига кирилмасдан ўрта бўй, оқ сариқдан келган 20

ёшлар чамасидан қиз қўшин қондан чиқиб уни қақриб қолди.

— Репорт тайёр. Бир кўриб берсангиз, — деди у бир нарақ қозғош узатаркан.

Кейин менга қараб деди: — Энди бемалол ихтирочиларимиз ҳузурига борсак ҳам бўлади. Мен сизга айтсам, шуларга минг раҳмат. Фақат шу йилнинг дастлабки уч ойи ичида ихтирочилик таклифлари жорий этилиши туфайли комбинатимиз 70 минг сўмдан ортиқ хомаш тежаб қолди.

Шу пайт қўшинидадан ўрта ёшларга қариб қолган кўз ойнакли киши кела бошлади. Иши зарур эканми, нардан бери сурашган бўлиб, йўлда давом этди. Пулат Мақсудовни тасодифан излаган нарасини тошпадек севиноб, саломлашган кишига ишора қилди.

Ихтирочиларимиздан, — дедида унга юзланди. — Уртоқ Калыов, бир дақиқага музминим?

Афсуски, корхонанинг забардаст ихтироси билан бафуржа сўхбатлашолмадик. Калыов нихоятда кампан, устига устак четрежлари томон ошиқайган экан. У ҳамкасблари В. Румянцев, М. Нуриддинов ҳамда В. Кузьменковлар билан ҳамкорликда яратган сўнгги янгилик ҳақида бирикми шингил тапирдида, уэр сўраб ўз хонасига кириб кетди.

— Сунъий шеелини сурун-кали чўктириш технологиясини жорий этиш борасидаги унинг таклифини жорий этишимиз туфайли корхонамиз йилига 17 минг сўмдан ортиқ иқтисодий самара кўрди, — изоҳ берди ҳамроҳим. — Бизда бундай янгилик яратувчилар беҳисоб. Масалан, Тожиев, Жевак, Чичаев, Трубников, Гумовский ва ўнлаб бошқалар ҳам талайгина ихтирочилик таклифи муаллифларидир.

Дарвоқе, корхона ҳаёти, ихтирочилар фаолияти билан таъинлар эканмиз, директор ўринбосари ҳақ гапни айтганига ишонч ҳосил қилдимиз. Янги-янчи йилларга ҳам комбинатда янгилик изловчилар бармоқ билан санарил бўлса, ҳозир санаб саногига етолмайсан киши. Шу босдан бу ерда вақтинча билан ихтирочилар қонкурс ўтказиб турилади.

Узоққа бормай, биринчи кварталда амалга оширилган тадбирларга кўз ташлаймиз. Ил бошида комбинатда «Энг яхши рационализаторлик цехи», «Рационализаторлик бўйича энг яхши комсомол-ёшлар цехи ва бўлими» қонкурслари ўтказилди. Унда корхонанинг барча цех ва бўлими ихтирочилари фаол иштирок этдилар. Қонкурс шартлари нихоятда маъсулйатли бўлиб, ҳаётга аъзолари эса нихоятда синч-

ков, ишнинг қўшини билган, тажрибали мутахассислардан иборат эди.

Яқинда қонкурс якулилари маълум бўлди. Унда 4-цех вакиллари голлиб чиқдилар ва комбинат маъмурияти таъсис этган мукофотини қўлга киритдилар. Цех инженерлари, техник ҳамда ишчилари қонкурс ҳаётга 25 та ихтирочилик таклифини тавсия этдилар. Таклифлардан 22 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоби га кўра уларнинг йиллик иқтисодий эффeкти 19.7 минг сўмин ташкил этаркан.

— Бундай янгиликларнинг амалда қўлланиши, — дейди пировардида Пулат Мақсудович, — комбинат шухратига шухрат қўшапти, бюртмачилар соин эса йил сайин ортиб борапти. Фақат биринчи кварталнинг ўзида мамлакатимиз сановат корхоналаридан ташқаринат ихтирочилари билан хайрлашар эканмиз, уларнинг оляжаноб ишларида янги-янги муваффақиятлар тиланиб.

Я. САЛИМОВ,
Чирчиқ шахри.

Дунё хабарлари

ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК ТАШАББУСИ

СОФИЯ, (ТАСС). СССР ҳукуматининг ядро қуrolига эга бўлган давлатлар конференциясини қақриш тўғрисидаги баёноти муносабати билан «Работническое дело» газетаси 25 июндаги редакция мақоласида қуйидагиларни ёзди: Болгария жамоатчилиги Совет ҳукуматининг янги тинчликсеварлик ташаббусини қизғин таъриқлайди ва бу ташаббус ядро қуrolини тарк этиш ва умумий тинчликни мустақамлаш йўлидаги муҳим қадам деб ҳисоблайди. Совет ҳукуматининг таклифи, деб яна таъкидлайди газета, тинчлик учун кураш юзасидан КПСС Марказий Комитети Бом секретари Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида илгари сурган комплекс программанинг бир қисмидир. Бу ташаббус жуда катта аҳамиятга эга. Эндликда ядро қуrolига эга бўлган бошқа давлатлар ўз фикрларини айтишлари керак.

В. БРАНДТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БОНН, 24 июнь, (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг канцлери В. Брандт ГАРбий Германиядаги «Ди пайт» газетасининг муҳбири билан қизган сўхбатда Марказий Европадаги қуrolли қушларни ва қуrol-яроғларнинг қисқартирилиши, табиийдирки ҳарбий можаарлар келиб чиқиш хавфини қамайтириш бўлур эди», Брандтнинг айтишига қараганда бу масала устида музокараларини шу йилнинг ўзидеяқ бошлаб юбориш мумкин. Сўнгга канцлер, бун-

дай музокаралар «бошқа қийин масалаларни муҳокама қилиш» ҳам ердан берган бўлур эди, деб уқтириб ўтди.

Музокараларини бошлаш учун ГАРбий Берлин проблемаси ҳал этилиши шарт, деб ҳисоблайсизми, деган саволга Брандт жаавоб бериб, мен қуrolли қушларини ва қуrol-яроғларини қисқартириш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун ҳеч қачон шарт қўйган эмасман деди.

МАМЛАКАТЛАР ОДАМИЛАР ВОҚЕАЛАР

ИНСОНПАРВАРЛИК МАҚСАДЛАРИНИ КЎЗЛАБ

НЬО-ЙОРК, 28 июнь, (ТАСС). СССР Фанлар академияси билан АҚШ аэроавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармаси вакиллари-нинг ва ишловчи мутахассисларини группасининг шу йил 21 июндан 25 июнга қадар Хьюстон шаҳрида кенгаши бўлиб ўтди.

Ҳар иккала мамлакат делегалари принципадан масалаларини ҳамда учувчи бошқарадиган космик кемалар ва станцияларини бир-бирга яқинлаштириш ва туташтириш воситаларининг мослашини таъминлаш учун техниканин талабаларининг лойиҳаларини кўриб чиқиб муҳокама қилишди. Бир қанча масалаларда битимга келинди, бошқа бир қанча масалалар янада муҳокама қилишни талаб этган.

Учувчи бошқарадиган космик кемалардаги ва станцияларини бир-бирга яқинлаштириш ва туташтириш воситаларини бир-галликда ишлаб чиқиш, дейилади якуловчи ахборотда, шу кемаларнинг ва станцияларининг космосда бир-бирига туташтирилишига ишон бериб. Бу эса аяб-айри ҳолатлар пайдо бўлиб қолган тақдирда космонавтларга ердан кўрасташ ва уларни қўтаришдан иборат инсонпарварлик мақсадлари учун зарурдир.

СОВЕТ МУЗИКАЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ПАРИЖ, 28 июнь, (ТАСС). Маргарита Лонг ва Жан Тибо номидаги тўртинчи халқаро қонкурсада биринчи «Гран при» мукофотини совет пианиночиси Владимир Фельцман билан француз музикачиси Паскаль Ронж олишга муваффақ бўлишди. Франция пианиночиси Клод Симаран иккинчи мукофотга сазовор бўлди. Учинчи мукофотини ҳам совет пианиночиси Владимир Винардо билан француз пианиночиси Жан Рувье бўлишди олишди.

Жюри тўртинчи мукофотини совет музикачиси Юрий Егоровга беришга қарор қилди, АҚШдан келган Давид Лайвли бешинчи мукофотга ва Бирлашган Араб Республикасида келган Рамзи Ясса олтинчи мукофотга сазовор бўлдилар.

Владимир Винардо Монако шаҳзадасининг мукофоти га ҳам сазовор бўлди.

(ТАСС).

ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ҲУЖУМЛАРИ

ХАНОИ, (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуrolли қушлари жангчилари душманга қаттиқ зарба бермоқдалар. Вьетнам информация агентлиги хабар беради: халқ озодлик қуrolли қушлари — жангчилари-

нинг 19 июндан 23 июнгача бўлган беш кун ичида Куангчи вилоятининг бир ўзидеягина душманнинг 25 самолёти. ва вертолётини уриб туширдилар. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 23 июнда шу вилоятда

ҲИНДИСТОН—ПОКИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ АҲВОЛ

КАРОЧИ, (ТАСС). Покистон — Ҳиндистон чегарасида янгитдан бўлган уч тўқнашув Равалинда расман эълон қилинди. АПП агентлиги маълум қилдики, 21 июнда Ҳиндистон қўшинлари Қўлила, Жессор ва Богра округларида Покистоннинг чегара постларини ўққа тутгандар.

ДЕҲЛИ, (ТАСС). «Ҳиндустан таймс» газетаси ёздаки, Покистон қўшинлари Ҳиндистоннинг чегара шаҳри Каримганнинг (Гарбий Бенгалия штати) бевосита яқинида тўланмоқда. Ассом ва Мехалайя штатларининг ҳукумати, деб ёздаи газета, «мураккаблашмиш мумкин бўлган» вазиятнинг кузатиб турибдилар.

Шарқий Покистондан келатган қочқоқлар қўйибди кетди, деб ёздаи «Нэшнл геральд» газетаси. Ҳозирги вақтда ГАРбий Бенгалияда турган қочқоқларнинг жами 5 миллион кишидан ошиб кетди.



МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Улан-Батор сановат комбинатининг инженер ва техник ходимлари ишдан бўш вақтларида бадий хаваскорлик тўғаракларида қатнашадил. Суратда: тўғарак қатнашчилари ўз корхоналари қарамондаги стадионда концерт намоиши этишмоқда.

А. Батанов ва К. Болдохонов фотоси. (ТАСС).



«ТАШСЕЛЬМАШ» заводи 22-цехининг Озод Махмудов мастерлик қилаётган сменаси азаматлари пахта териш машиналарининг асосий қисмларини тайёрлашда бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Суратда: шу сменанинг мастери Озод Махмудов.

А. Тўраев фотоси.



Сиз ушбу суратда кўриб турган қиз—Ғафур Ғуллом номидаги бадий адабиёт напиритининг меҳнатсевар ишчиларидан Зухра Мирахмедоваридир. Зухра кунлик тошпирини 120—130 процентга етказиб бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўляпти.

Ш. Иброҳимов фотоси.

КОЛХОЗ ПИОНЕР ЛАГЕРИДАН РЕПОРТАЖ

БОЛАЛАРГА МЕҲРИБОНЛИК



Ранс билан партком суҳбати пионер ёшга тайёргарлик куриш ҳусусида борарди.

Соғломлаштириш майдончалари масаласи-ку учалик эмас,— деди партия ташкилотининг секретари Абдулла Соатов.— Уларни мавсумий боғчалар базасида ташкил қилса ҳам бўлаверади. Марказий пионер лагерининг аса иши кун. Янгида ташкил этилганидан кейин, қурилиш олиб боришга тўғри келади. Иккинчидан, лагер учун жой масаласи ҳам чатоқ. Шунга бошим қотиб турибди.

«Дарвоқе, бу йил марказий лагерни албатта очинишимиз керак. Кўпчилик ўқувчилар шу ерда дам олишадилар. Эрта-индин десак, лагер ўз вақтида очилмай қолиб кетиши мумкин. Бугун-эртаёқ ишга киришимиз керак. Аммо, лагерни қаерда очсак экан-а? У, ҳам баҳаво, ҳам соя-салқин боғ-роғ қўйишда жойлашган бўлиши керак...»

Ранс Анвар Эгамназаров ана шулар ҳақида ўйлар экан, унинг юзидан қувонч аломатлари пайдо бўлди.

— Бўлди, бўлди Абдуллажон,— деди ранс.— Учунчи бригаданинг дала шийони бор-ку, ушани лагер ижтиёрига берсак. Тайёр жой. Лагер учун жуда мос. Ёш-атрофи соя-салқин, Факат ёши палаталар уриштириш бўлган. Колхозчилар ҳам йўқ дейишмайди. Ахир, ким ўз фарзандидан яхши нарсани алди. Шийонини вақтинчалик лагер ижтиёрига беришга албатта рози бўлишди.

— Жуда яхши таклиф,— деди партком раисининг фикрини маъқуллаб.

Уш кунги бўлиб ўтган правление йиғилишида лагер масаласида ҳам таллашиб олинди. Учунчи бригада дала шийониди «Қизил Ўзбекистон» колхозининг марказий пионер лагерини очилаётган бўлди.

Эртасигаёқ ишга киришилди. Ёш палаталарни уриштириш иши бар-икки кунда тугалланди. Пионер ёшга ҳамма нарсаси тахт қилиб қўйилди. Булар учун колхоз томонидан 1200 сумлик маблаг сарфланди.

Район халқ маорифи бўлими ҳам лагер оқида колхозга янгида ердан берди. Ёш яхши ўқувчи ва пионервожатилардан бир неча киши тарбиячи қилиб тайинланди.

Баҳаво ва бўлим боғ қўйишда лагернинг тантанали очилиш маросими бўлди. Боғ колхозчиларнинг 60 ўғил-қизини ўз бағрига олди.

...Биз лагерга кириб борганимиз-

да, соя-салқин боғ қўйиш пионер ёш ташкили сураётган ўқувчилар билан тавжум эди. Тарбиячи С. Ортоқова бир гуруҳа болалар билан қизил қўйишга ўтказарди. Болалар тарбиячининг сўзларини диққат билан тинглади, унга турли саволлар беришарди.

Нарини бурчакда шахмат мусобақаси давом этарди. Спорт майдончасида аса ўйин авжида эди.

— Колхоз томонидан очиб берилган пионер лагериди ҳамма шарт-шаронлар мавжуд,— дейди унинг бошлиғи ўртоқ М. Муродов.— Бундан ота-оналар беҳад мамнун бўлмоқдалар. Бу ерда болаларнинг кийиниши ҳам, овқатланиши ҳам, ҳамма-ҳаммаси колхоз ҳисобидан бўлмоқда. Янгида ҳамма болаларга бир хил формада кийим тикиб берилди. Ҳар бир боланинг овқатланиши учун кунга 1 суму 20 тишин сарф қилинаётир. 4 тарбиячи ўқувчилар билан турли машғулотлар олиб боришмоқда. Яна 2—3 кундан сўнг биринчи смена тугайди...

Лагерда биринчи смена мазмунли ўтмоқда. Болалар шу давр мобайнида турли қўшيق ва рақсларни ўрганиб олдилар. Хайрлашув гулҳани ёқилдиған кунда «Хайр, жонажон лагер» деган мавзуда кеча ўтказилди.

Лагер уч сменали ишлайди. Қолган икки ой ичда колхозчиларнинг яна 120 ўғил-қизини яхши дам олиб, янги куч, янги гайрат бўлишди.

Колхозда соғломлаштириш майдончалари ҳам бор. Улар 20 дан ортиқ ёшга кўнма боғча ва ясиллар базасида ташкил этилган. Болалар билан кўнчили ўйинлар олиб боришмоқда. Ҳамма пионер ёшдан мамнун.

Орзониқидеё районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозини правление ва партия ташкилотининг ташаббуси билан ўқувчиларнинг ёшг қаниқуларини ҳушчақчақ ўқазин юзасидан амалга оширишда ёшга кўнчили ишлар кишини кувонтиради.

Янги ўқув йили бошланиши арафасида сўнгги хайрлашув гулҳани ёқилди, ушанда лагерга келин-а, болаларнинг кувончларига шерик бўлган.

Колхоз пионер лагерига уз-зукун ҳаёт қайилди. Болаларнинг уйнаб-қулишлари учун бир ерда ҳамма нарсаси муҳайири қилинган. Бу суратларда лагердан олинган лавҳалар акс эттирилган.

А. Абалин фотолари.



МАКСИМ ГОРЬКИН номли Москва Бадий Академик театрининг ижодкор коллективи янгида «Душман Тобоска» спектаклини сахналаштирди. Бу янги асар А. Володин қаламига мансубдир. Унда ҳаётинида учраб турадиган айрим қамчиликлар таниқ қилинади. Спектаклда РСФСР халқ артисти О. Ефремов режиссерлик қилган. Суратда: спектаклдан кўриниш.

В. Егоров фотоси. (ТАСС).

ҚИСКА САТРАД

БЕКОВД район партия комитети қошида ташкил этилган ҳуқуқшунослик халқ университети машғулотино бошлад. Янгида бўлиб ўтган машғулотида «Ижтимоий олднинг олиш» тўғрисида район прокурори Х. Халимов суҳбат ўтказди. Ҳуқуқшунослик университетининг машғулоти ҳар ойда мунтазам бўлиб туради.

М. РЎЗИМАТОВ.

ОМАДИ келган кишилар лотерея билетларидан «Запорож» ва «Москвич» машиналари ютиб туришибди. Янгида оққуронлик П. Нишонов «Москвич-412» ҳамда «Коммунизм» колхозининг аъзоси Цой Сен Нену «Запорож» автомашиналари ютишди.

Қ. САЙДИНХОУНОВ.

ПОИТАХТИМИЗНИНГ Оқтибр районидаги «Қизил тоғ» кўчасида янги тиндаги саноат моллари магазини фойдаланишга топширилди.

У. КАРИМОВ.

Я ҚИНДА Чирчиқдаги металлургия маданият саройида Геннадий Мамлиннинг «Салом сенга» пьесаси намойиш этилди. Асар қийин эрувчи ва ўтга чидамли металл комбинатининг собиқ ишчиси, ҳозир Тошкент театр-рассомчилик институтининг режиссерлик факультетида тахсил қўраётган Лариса Косухинанинг диплом ишидир. Спектакль томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кўтиб олинди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Олмалик шаҳар партия комитетида Олмалик ва Охангрон шаҳарлари партия комитетлари ва ижроия комитетлари ходимларининг агитаторлар, ёшлар ахборотчилар, агитпункт мудирлари ва агиткорлектив аъзолари билан янгида учрашув бўлиб ўтди. Ижроия комитетларимиз бўлим мудирлари, йилгиларга саккизинчи беш йилликдаги юксалишлар ва тўққизинчи беш йилликда содир бўладиган ажойиб ўзгаришлар ҳақида, бирин савол-жавоблар бошланди. Бу учрашувда идеология ходимлари халқ маорифи, медицина ва бошқа соҳалардаги энг сўнгги илгилардан воқиф бўлишди.

Л. ЛАВРИНА.

Олмалик шаҳри.


ЕШЛИГИМИЗ ҚУВЕШЛИК

Ешлигимиз эрнинг, ҳур, Бахтиёримиз дунёда. Қалбдан тошдан гўрур, Еру қўлда, қавола, Баланддир парвозимиз. Ил билан етмиш Зухроҳа, Марсача. Яна порлоқ эртанинг, Ҳар ерга ҳам қўл етар, Етандек овозимиз. Ленинчи шонли насл, Ватан қизи, ўлигимиз. Халққа содиқ ва асл, Юраклари чўғлимиз. Жаранглар қўй, созишим! Меҳнатда ва курашда Зафарларга бошлаган,— Улуғ партия, иша, Сен-ла бу юрт яшаган, Сен гахўр устозимиз! Берганинг уху билан Бахтиёр, эрнинг ёшлар, Чекми ташқир сенга, Ешлигимиз қўшлимиз, Седан мангу розилим, Партия—устозимиз! Юсуф ШОМАНСУР.

«ГАЛАБА» маданият ва иттиҳот бори шаҳримиздаги энг сўлим ҳордиқ масканларидан бири. Бунинг боиси — парк қуюқ дарахтзордан иборат бўлиши билан бирга залол сувли қўлга ҳам эга.

Суратда: қўлда сайр.

В. Таран фотоси.



Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ВРАЧ МАСЛАХАТИ

БОЛАМ СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Ёзининг иссиқ кунлари бошланди. Ҳа, ёш ойнанинг ўзашти, фазилати бор. Лекин, унинг киши соғлиғини учун хавф туғдирадиган томонлари ҳам йўқ эмас.

Одатда, ёш болаларнинг организм қаттиқ иссиққа бардош беролмайди. Юқори ҳарорат ошқоқон ва ичак—ҳам шираларнинг ишлашига ва модда ажралиш қобилиятига таъсир қўрсатади. Натижада ишнинг иштасини бўғилиб, овқатлар тезда ҳам бўлмайди.

Болаларни тарбиялаб овқатлаштириш ёш кун қўл ёшга бериш, аралаштириб юбориш, оғирбола кўп олиб юриш, иссиқлаб келиб экинчи ёш кўриб қолган овқатларни бериш ёшга уярдиган турли ичкетар касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Турли микробларнинг тез тарқалиши, мева ва сабзавотлар, сувларнинг ифлосланиши касалликнинг юз беришига кудай шарт тўғдиради. Шундай воқеаларда биргина ичкетар касаллиги эмас, бошқа ичак юғумли касалликлар ҳам бўлади.

Касаллик бошланганда болада иштаҳа баъзан йўқолиб, ичи бўзилади. Ичкиқилиб йиғилди, уйқуси қочади. Бундай пайтда айрим оналар тиш чиқса керак, бирон кишига ичкиқилиб ёш соғлиғини ошгандай деб, ўзларига ичим-сирим қилган бўлишлари.

Азимо, олди олишмас касаллик отир тиши мумкин. Бунда, кутимлашда болада биринчи иштаҳа кўтарилиб, ҳарорати 39 40° га етди. Иштаҳа бутунлай йўқолади. Қусад ҳамма ичи нета бўлилади. Бола тинмай суя ичди. дармони кўрилади. Қўл-оғи музлайди. Лаблари қуриб, қўзлари ич-ичига тушиб кетди.

Ҳурматли ота-оналар! Ёш мавсумида болаларда ҳар қандай ичкетар болалар экан, ушларнингизча бирор нарсаси бўлмасдан, ичим-сирим, дорин-дармон қилмасдан, тўғри врачга мурожаат қилинг!

Ёш болалар бир-бир ярим ешга боғлиқча эмизилади. 6 ойдан бошлаб она сутига қўшинча қилиб, врач маслахати ва ердаги болалар сунги овқатлар беришга бошланади. Экинчидан чиркиш ёш ойнадаги тўғри келиб қолса, «тирқак» ақрат қўрмай. Бу иш бақат келки қўз, қиш ёш баҳор ойларидидаги бўлиши мумкин.

Болаларни мумкин қадар, соя-салқин, сув бўйларига, тоза ҳавода сақлаш керак.

Ёш кўнлариди овқатлар тез бўлилади. Ҳатто, захарларни ҳам қилиши мумкин. Бундай овқатларни болаларгагина эмас, катталарга ҳам бермаслик керак. Мумкин қадар болаларни кунга 1—2—3 маҳал қўмилтириш фойдаланди.

Илос ФОЗИЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.

СПОРТ

ФАҚАТ „ПАХТАКОР“ ИСТИСНО

Ушанг яшанба кунги олий лига командаларининг ўйинлари кутимлаш натижалар берди. Айтиш мумкинки, пешқадамлар учун оғир кун бўлди. Олдинда бораётган тўрттала коллектив ҳам майдондан бўйинни қўйиб эгиб чиқиб кетди. Мавсум бошидан бўён мағлубият нималигини билмай келадиган Киев ва Москва динамичлари ҳам шу турда мағлуб бўлишди.

Уш майдони ҳамма командалар учун омадди бўлиб, меҳмонлар учун оғир келди. Бундан фақат «Пахтакор»гина истисно. Ҳамма командалар ўз ишқивозлари олдида юзлари ёруғ бўлиб, рақибларидан икки очко олган бўлсалар, тошкентликлар тўртинчи марта дурган қилдилар.

Олий лиганинг янги аъзоси «Карпати» футболчилари биринчи ўринда бораётган киевликларни қабул қилиб, йирик ҳисобда галаба қозондилар. Украина пойтахти командаси мавсум бошидан бўён ўз дарвозасидан бор-йўғи иккита тўп ўтказган бўлса, биргина лвовликларнинг ўзидан учта тўп билан «такдирланди». Биринчи таймда киритилган тўрттала тўпнинг автори ҳам «Карпати» футболчиларидир. Улар бир тўпни ўз дарвозаларидан ўтказиб юбордилар. Москва динамичлари эса ҳаффи зонада бораётган «Зенит»дан енгилди. Ягона тўпни меҳмонлар дарвозасига В. Иванов киритди. Яна бир пешқадам—«Арабат» Ростов армиячиларидан мағлуб бўлди. Учрашув бошларидида Масляев киритган тўпга меҳмонлар ўйин тугашигача қавоқ қолдиролмадилар. Охири ўринда келадиган «Шахтёр» муҳим икки очкони қўлга киритди. Галаба тўпни «Заря» дарвозасига

Козинкевич йўллади. Бир тўп тўпчиларидида ҳам ютуқ келтирди Г. Нодия киритган тўп «Нефти» ни икки очкондан маҳрум этди. Минск динамичлари билан «Спартак» беллашувидида ҳисоб — 2:0. Иккала тўпни ҳам Васильев киритди.

Тошкентдаги ўйинга келсак, «Пахтакор» эски рақиб — «Кайрат» билан бўлган учрашувни олдинги матчлардагидек шиддатли бошлади. Биринчи минутдаёқ АБ-дуримова — Исоқов комбинациясини сўнг тўп дарвоза тўртини силкитиб кетди. Лекин судья П. Гаврилади Абадураимов ўйин қадасини бузган деб толиб, голни ҳисобламади. Учрашувнинг биринчи бўлимида меҳмонлар фақат қи-моқни йўллади. Пахтакорчилар бир неча ҳаффи вазиятлар яратган бўлсалар ҳам аввалги ўйинлардагидек яна иккинчиларни бой бериб қўйдилар. Танавбуфта қиш арафасида Абдуракимовнинг қанотдан қиройли қўлиб оширган тўпни дарвоза рўпара-сида турган Цибин дарвозага йўл-

лаб олмади. Иккинчи бўлимда ҳам унинг омади келмади. Дарвозабон билан йккама-йкка чиққан-да Жўйков эпчиллик қилди. Иброҳимов, Исоқов ҳам шундай имко-киятлар юз берган пайтда шошиб қолдилар. Орзиқиб кутилган тўп 56-минутда киритилди. Уни 11 метрлик белгидан Кузьмин мўл-жалга аниқ йўллади. ана шу тўпдан кейингина олмаоталиклар акти-лашиб ҳақиқий ўйинларини кўрсатдилар. Чеботарев ўрнига майдонга тушган Тагусов пахта-корчилар дарвозасига кўп марта ҳаф селди 70-минутда унинг шиддатли зарбасини Говоров қай-тариб қолди. 73-минутда «Кайрат» ҳимоячиси Дишленко ҳужумчи-ларга ерданга келди ва қанотдан тўпни Тагусовга аниқ ошире-ди. Ҳужумчи бу имкониятдан усталик билан фойдаланиб, боши билан тўпни дарвозага туширди. Ҳисоб — 1:1. Бу жавоб тўпи тош-кентликларда бўлашувчилик қай-фиятини тўғдирди. 84-минутда штанга меҳмонларни навбатдаги

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Гуручин юваётганда унга 1—2 ош қўшиқ туз тапплаб юборилса гуруч яхши тоза бўлади, уқалимайди.

Паловнинг ёғли бўлиб кет-маслиғи учун гуруч соғмасдан аввал қозонга бир-икки дона картошкани арттиб ташлаш.

Қолган палов ошми, шавла ёш қовурдиқни истиқмоқчи бў-лишда унга бир дона пиезиз тўтраб қўлиб истиқлиш ло-зим. Шунда таомнинг тами

дастлабки пашган вақтидагиди мазали бўлади.

Серғуш, ёғли таом исте-моқ қилишга ёш ёғли баллиқ егандан кейин совуқ сув ич-маслик зарур, яхшиси иссиқ чой, айниқса қўш чой ичилгани маъқул.

Ўш, баллиқ сингари маҳсу-лотларни ўсимлик ёғида, қар-тошқа, сабзавот ҳамда хамирни оқ ёғда қовуриш тавсия эти-лади.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Командалар	У	Т	О
Динамо К.	12	15—5	18
Арабат	13	16—6	18
Нефти	13	21—13	16
Динамо М.	12	13—6	16
Кайрат	13	18—16	15
Динамо Тб.	12	9—11	14
ЦСКА	13	13—13	13
Карпати	13	15—16	13
Заря	13	11—11	11
Торпедо	13	4—6	11
Динамо Мн.	13	16—18	11
Спартак	13	11—14	11
СКА	13	11—17	10
Пахтакор	13	7—17	9
Зенит	13	6—13	9
Шахтёр	12	6—10	8

«ПОЛИТОДЕЛ»НИНГ 6 ТЎПИ

«Политотдел» командасига янги тайинланган тренер Геннадий Ер-маков омадди келди. Янги устоз бошчилигида колхоз футболчилари биринчи ўйиндаёқ ишқивозла-рини ҳушуд этдилар. Нижний Та-гилнинг «Уралец» командасини қабул қилиб, 6:0 ҳисобида катта галабага эришдилар.

Колхоз командаси олдинги ўй-ўйинда жами учта тўп киритган эди. Бугун политотделликлар тур-нир пешқадами «Звезда» (Пермь)-ни қабул қилдилар.

ШЕР ҲАМЛАГА ҲОЗИРЛАЙМОНДА — «ЧАНКА» (кундуз ва кечқурун).

Сариқ чемаданчининг сарғу-зашилари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИ-НИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Осмоннинг бир бўлаги —ТВЛ-МАН номли, Ҳалол бўлган навоб беради — «ФЕСТИВАЛЬ».

Катта сайр (2 серия) — «ХИВА».

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА

29, 30 июнь кеч соат 9 да Андижон шаҳрида утналик республика конкурсининг қатнашчилари

ТАНИҚИ АСКИНЧИЛАР ВА ХОНАНДА-СОЗАНДАЛАР ИЖРОСИДА

КАТТА АСИДА КЕЧАСИ

Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29, 30 июнь кеч соат 8 да М. КОРНЕЙЕВОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

КАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистла-ри: КУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУ-ҲАМАДИОН МИРЗАЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўр-сатган артистлар: КУВОНДИҚ ИС-КАНДАРОВ, МЕҲРИ АБДУЛЛАЕВ; Солистлар: Нейматжон ҚУЛАБ-ДУЛЛАЕВ, Алинон ҲАСАНОВ, Уринон ОТАНОВ, Анвар НА-ЗАРКОНОВ, Азим АЗИЗОВ, Роҳа-той МАМНОНОВА, Сора ШУКУР-ОВА.

Тўхтасин Жалилов номидаги ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛУ АСОБЛАРИ ОРКЕСТРИ

Билетлар концерт зали кассаси-да кундуз соат 2 дан сотилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Босмаҳонаси Гоммет шаҳри.